ВЕБИНАР ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАЛАКА ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ШАКЛИ СИФАТИДА

А.Э.Обидов

Мақолада онлайн технологияларга асосланган вебинар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишнинг ташкилий-методик асослари, олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида вебинар технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Калит сўзлар: *касбий компетентлик, педагог кадр, ахборот-коммуникация технологиялари, малака ошириш, қайта тайёрлаш, вебинар.*

В статье освещены вопросы разработки вебинарной системы на основе онлайн технологий и организационно-методические основы их внедрения в практику, а также возможности использования вебинарных технологий в учреждениях переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров системы высшего образования.

Ключевые слова: *профессиональная компетентность, педагогические кадры, информационно-коммуникационные технологии, повышение квалификации, переподготовка, вебинар.*

The paper discusses the development of a webinar system based on online technologies and organizational and methodological bases of implementing it into practice. Besides, possibilities of using webinar technologies for pedagogical staff of higher education system in the organizations of retraining and upgrading qualification.

Keywords: *professional competence, pedagogical staff, information and communication technologies, upgrading qualification, retraining, Webinar, online lectures, video and audio conference.*

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди [2].

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даражаси ва сифатини янада ошириш, унинг ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ республика таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш муҳим масалалар қаторига киради.

Давлатимиз биринчи раҳбарининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан юксалтиришни кўзда тутади. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш ҳамда Олий таълим

муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари касбий даражасини узлуксиз такомиллаштириш учун шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 242-сонли қарори қабул қилинди.

Бу қарор юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологияларини, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан янгилаш, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари фаолиятини зарур даражада ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган.

Мазкур ҳужжатларда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши зарурлиги кўзда тутилган.

Сўнгги вақтларда нафақат хорижий, балки республикамиз олий таълим тизимида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Ушбу ўзгаришлар қуйидаги тенденцияларнинг юз бериши билан боғлиқ:

- узлуксиз таълим концепциясини жорий этиш;
- таълим муҳитининг глобаллашуви;
- таълим парадигмасининг ўзгариши;
- ахборот ва коммуникацион технологияларнинг университет таълим жараёнига кенг миқёсда кириб келиши.

Ҳозирги кунда олий таълим тизимида масофавий таълим технологияларининг қуйидаги қатор кўринишлари кенг жорий этиб келинмоқда. Булар:

- ўқув жараёнининг масофавий тизими (LMS – Learning Management System);
- MOOC (Massive Open Online Courses) – оммавий очиқ онлайн курслар;
- вебинар – таълимнинг виртуал ахборот-таълим муҳитида олиб боришнинг янги шакли.

Ушбу технологиялар орасида сўнгги пайтларда кенг оммалаша бораётган вебинарга алоҳида эътибор қаратилган. Олий таълим ўқитувчилари томонидан вебинар технологияларни қўллаш малакасининг шаклланиши тез ўзгараётган электрон муҳитда педагог ахборот маданиятининг ортишига, талабалар билан бўладиган мулоқотлари самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларининг ҳамкорликдаги фаолиятини йўлга қўйиш, курсларга жалб этилган профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишларини таъминлаш ҳамда тингловчилар учун онлайн маърузалар ташкил этиш ва билимларни тарғиб этиш мақсадида Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази портали (http://www.bimm.uz) таркибида турли мавзудаги музокаралар, онлайн маърузалар, учрашувлар ва тақдимотларни ўтказишга хизмат қилувчи, масофавий технологияларга асосланган Вебинар (http://vc.bimm.uz) хизмати ишга туширилди.

Вебинар (инг. «Web-based seminar» сўз бирикмасининг қисқартирилган кўриниши, “вебга асосланган семинар, тренинг”) – онлайн семинар, маъруза, тақдимотларни жонли режимда веб технологиялар ёрдамида ташкил этиш. Ҳар бир иштирокчи, географик жойлашувидан қатъи назар, ўзининг компьютеридан қатнашиши мумкин бўлган жараёндир.

Вебинарлар онлайн тақдимотлар (Power Point), савдо-учрашувлари, тренинглар, сайтларнинг синхрон намойиши, видео файллар ва тасвирлар, ҳужжатлар ва дастурий иловалар (Word, Excel ва бошқалар) билан бирга ишлаш имконини беради. Вебинарда бир неча юзлаб иштирокчилар бир вақтнинг ўзида иштирок этиши мумкин бўлиб, бунда бир ёки бир нечта иштирокчи вебинар етакчиси – маърузачи бўлиши мумкин. Веб-семинар маърузачиси реал вақт режимида турли кузатишларни олиб бориши, ҳар қандай график кўринишидаги маълумотларни виртуал синф доскасида тасвирлаши мумкин. Бундан ташқари машғулот олиб борувчи тингловчиларга чизишлари учун имконият яратиб бериши ҳам мумкин, бунда тингловчиларнинг ҳар бири ўзлари ёки машғулот олиб борувчи томонидан танланган ранглардан фойдаланишади. Агарда вебинар ташкилотчилари томонидан овозли алоқага рухсат берилган ва тингловчиларда микрофон қурилмаси мавжуд бўлса, улар маърузачи ва веб-семинарнинг бошқа иштирокчилари билан алоқага киришишлари мумкин. Бу усул музокаралар ва анжуманларда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бошқа ҳолларда эса тингловчилар чатдан фойдаланишлари, машғулот жараёнида маърузачига саволлар билан мурожаат қилишлари ва дарҳол уларга жавоб олишлари мумкин. Шунингдек, маърузачи намойиш этаётган тақдимот материалларини тингловчилар вебинар тугаллангунга қадар алоҳида файл сифатида юклаб олишлари, маълум сабабларга кўра унда

қатнаша олмайдиган бўлса, вебинарнинг ёзиб олиш имкониятидан фойдаланган ҳолда машғулот жараёнини тўлиқ съёмка қилиб, ундан ҳамма вақт фойдаланишлари мумкин.

Вебинарнинг асосий хусусиятларидан бири, сиз ўзингизнинг уйингизда қулай жойлашиб, ўқитувчини тинглашингиз (ёки уни кўришингиз мумкин, агар вебинар ўтказувчи веб-камерадан фойдаланишга рухсат берган бўлса), унга саволлар беришингиз (чат ёки товуш орқали), мунозараларда фаол иштирок этишингиз, баъзи ҳолларда бошқа иштирокчилар билан шахсий масалаларда суҳбат қуришингиз (яъни бир стол атрофида ўтиргандек) мумкин.

Замонавий таълим фаолиятини мазмунли ташкил этишда нафақат технологик жиҳатдан энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш, балки таълим жараёнини ўзгартиришнинг янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ўз навбатида янги имкониятлар яратади ва уларнинг бажарилиши учун воситалар мажмуини тақдим этади. Замонавий таълимнинг тобора оммалашиб бораётган усулларидан бири ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда масофадан туриб вебинар орқали мулоқот қилишдир. Вебинар ёки онлайн конференциялар – бу видео анжуман алоқа воситалари ёрдамида реал вақт режимида иштирокчиларнинг ўзаро мулоқот қилишларини таъминловчи тизимлардир [3].

Бунда иштирокчиларда тьютор ёки маърузачи билан очиқ мулоқот қилиш, яъни савол бериш ёки саволга жавоб қайтариш, турли форматдаги маълумотларни (график, матн, аудио/видео ва бошқалар) бир-бири билан алмашиш имкониятлари мавжуд бўлади.

Вебинарнинг устунлик томони шуки, у бир-бирларидан олис масофада жойлашган иштирокчилар ўртасида реал вақт режимидаги алоқани таъминлайди ва қуйидаги функционал имкониятларни тақдим этади [4]:

видео ва аудиоконференциялар. Тизим ёрдамида видео ёки аудиоконференцияларни ташкил этиш ва узатиш (трансляция) имконияти;

телеконференция;

ҳужжатлар ва тақдимотларни намойиш этиш. Вебинар орқали исталган файлларни: тақдимот, веб саҳифа ёки видео роликларни намойиш қилиш;

экранни намойиш этиш. Иштирокчиларга монитор орқали маърузани кенгроқ тушунтириш;

ёзиб олиш. Вебинар жараёнини ёзиб олиб, уни қайта кўриш ёки кейинги вебинарда шу мавзуни давом эттириш мумкин;

учрашувлар кўринишини (ҳолатини) созлаш. Вебинар мавзусидан келиб чиқиб, тизим интерфейсини танлаш;

савол-жавоблар. Вебинар жараёнида турли анкета ёки саволларга жавоб олиш мумкин;

браузер орқали фойдаланиш. Тизимдан фойдаланиш учун қўшимча техник ёки дастурий воситаларнинг талаб қилинмаслиги.

Вебинардан фойдаланишда қуйидаги педагогик имкониятлар, устунликлар кўзга ташланади:

тингловчиларда омма олдида чиқиш билан боғлиқ бўлган психологик тўсиқ йўқолади;

савол-жавоб ўтказиш имконияти мавжудлиги сабабли, тингловчилар тортинмасдан исталган саволларини беришлари ва жавоб олишлари мумкин;

вебинар ўқитувчидан ҳам, ўқувчидан ҳам маълум вақт оралиғини талаб этмайди, улар ўзаро келишган ҳолда куннинг исталган қисмида машғулотларни олиб бориш имкониятларига эга бўладилар;

машғулотларни ёзиб қўйиш имконияти мавжудлиги сабабли бир марта ўтказилган машғулотни бир неча марта қайта тинглаш, шарҳлаш ва зарур қисмларидан нусха олиш имкониятига эга бўладилар ва ҳ.к.

Вебинарнинг камчиликларига қуйидагиларни келтириш мумкин:

жараённинг самарадорлиги техник таъминотга боғлиқ: овоз, тасвирнинг сифати; интернет каналининг ўтказиш қобилияти; ёзиб олишнинг имкониятлари ва ҳ.к.;

вебинарни ташкил этувчи-ўқитувчининг малакаси, унинг маҳорати сифатга катта таъсир кўрсатади;

талабаларнинг билим олишга нисбатан иштиёқи катта таъсир кўрсатади, чунки вебинарда ўқитувчи-талаба контактининг бўлмаслиги, ўқитувчида қатъий талаб қўйиш имконияти камлиги сингари томонлар жараённинг сифатига катта таъсир кўрсатади.

Вебинар тизимлар очиқ ёки ёпиқ турларга бўлинади. Очиқ турдаги вебинарлар кенг кўламдаги кўплаб иштирокчиларнинг эркин рўйхатдан ўтиш орқали иштирок этишларини назарда тутади. Ёпиқ вебинарда иштирокчилар олдиндан маълум бўлади, масалан, корпоратив тадбирлар.

Ҳозирда дунё бўйлаб 50 дан ортиқ вебинар ташкил этувчи тизимлар мавжуд бўлиб, улардан саноқлиларигина бепул хизмат кўрсатади, лекин улардан фойдаланиш учун вебинар иштирокчиларининг ҳар бирида сифатли интернет боғланиш бўлиши талаб этилади. Республикамиздаги Олий таълим мауссасалари корпоратив тармоғидан

унумли фойдаланиш орқали бу масаланинг осон ечимини топиш мумкин. Яъни ҳалқаро бепул (ёки пуллик) вебинар тизимлар ўрнини босувчи, Олий таълим мауссасалари корпоратив тармоғидан фойдаланувчи вебинар тизим ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Биз таклиф этаётган вебинар тизими айни шу мақсадда ишлаб чиқилган. Ундан нафақат Олий таълим муассасаларининг корпоратив тармоғи орқали, балки глобал Интернет тармоғи орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса вебинар иштирокчиларига янада кенгроқ имконият яратиш билан бир қаторда сифатли алоқани ҳам таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори

2. “Кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим омили”, 18.06.2015, http://www.senat.uz/uz/news/2015/18-06-1.html. Мурожаат санаси 15.10.16.

3. “О вебинарах”. Вебинармаркет, 2010. [Online]. Available: http://www.webinarmarket.ru/webinfo/about/. Мурожаат санаси 01.07.16.

4. Бегимкулов У.Ш. ва бошқалар. Малака ошириш жараёнларига вебинар технологияларини жорий этиш // “Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари.- Самарқанд, 2014.- 195 б.

Бош илмий-методик марказ,
2016 йил 12 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Мирсолиева)